

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 январь куни мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Буюк Британия ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазирлиги Мэлкольм Рифкиндни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор қилар экан, бу борада Буюк Британия ишбилармон доиралари, хусусан, Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият бошлаган «Барклайз банк», «Ротшилд энд санз» ка-

би банклар, «Бат индастриз» ва бошқа компаниялар вакиллари муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида имзоланган ҳужжатлар бу алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратганини қайд этди.

Жаноб Мэлкольм Рифкинд самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Буюк Британия Ўзбекистон билан алоқаларни тараққий эттиришга алоҳида эътибор бераётганини айтиди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Буюк Британия ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирлиги У. Султонов, ташқи ишлар вазирлиги А. Комиллов иштирок этди.

Учрашувда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги фавулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(Ў.А.).

Суратда: қабул пайти. Р. НУРИДИНОВ тасвирга олган.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМЕНИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязовнинг таклифига биноан 1996 йил 16 январда Туркменистонга амалий ташриф буюради.

Бўлажак ташриф чоғида икки мустақил давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришни таъминлайдиган бир қанча давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимларни имзолаш назарда тутилган.

Бўлажак ташриф кўп асрлик тарихи, аъёнлари ва маънавий қадриятлари муштарак икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ муносабатларини, ўзаро фойдали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т. НАБИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳаларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаёда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Тўлған Набиев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1996 йил 5 январь

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

САРА ГУПЛАР СЌЗГА, МУАЛЛИМ



Мирҳамидовлар мени устоз дейишса, кўнглим ажиб бир туйғуга тўлади. Мақтаб ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш библиомаси билан ҳамкорлик қилади. 2 та хонани компьютерлаштирдик. Информатика фани бўйича иқтидорли ёш ўқувчи — Бахтиёр Каримов, иқтисоддан иқтисод фанлари номзоди Абдусаттор Қорабобоевлар болаларга сабоқ беришади. 1994-1995 ўқув йилида мактабни якунлаган 24 нафар битирувчиларимиздан 19 таси йўналиш-рилган мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртиларига киришди.

— Бола азиз — одоби ундан азиз — дейди халқимиз. Бола тарбияси билан фахат оила ё бочча, мактабнинг ақла ҳолда шуғулланиши, ўзаро муносабатнинг бўлмағлиги ақш сақарад бўмаслигига амин бўлдим. Бугун мактаб жамоаси «Катта Қозиробот» маҳалласи оқоқоли Юсуфхўжа Бахромова, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси Холда Ахророва иштирокида тарбия ишларини олиб бормоқда. Мақтабларимизга билимли, ўқитувчилик касбига меҳри бор, ижодини болаларда кўрсатиш қобилиятига эга ёшлар керак...

Ишга отланиб ташқарига чиқдим. Кафедракина ҳовлига ажиб тароват бериб турган иссиқхонадаги гулзор ичида бу йил мактабга гулзор, ҳозиргина сонгача тақиб олган оппоқ соч полуги гуллар орасида зўрға кўрнанаётган сингилчини кўрдим.

— Хой, нима қилмапсан, мактабга келмаксан-ку?

— Вой, уза олмапман, Опа-жон, келинг, гулларнинг энг чиройлисидадан гулдаста ясаб беринг, устозим Дилбар опага олиб бораман.

Беҳиётёр гулзор томон юрдим. Мурғак қалбаки йул топа олибсизми, сизга таъзим ва гулзорнинг энг сарва гуллари сизга, муаллим!

Малоҳат СОБИРОВА.

СУРАТДА: Дилбар Азимова. Рашид Табиев олган сурат.

Ўзбекистон ва жаҳон ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛЛАРИ

Ҳозир жаҳоннинг ҳар бир мамлакатига ҳам ҳўжалигининг барча соҳаларини компьютерлаштириш жараёни кетмоқда.

Шуниси қувонарлики, республика-мизда ҳам компьютерлаштириш умуммиллий дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда. Компьютерни ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва таълим соҳаларида кенг қўлланадиган фурсатга ҳам оз қолди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада бир қанча амалий ишлар тadbик этилди. Компьютерлардан фойдаланувчилар ва унинг дастурий воситаларини ишлаб чиқувчилар учун кейинги вақтларда «Apple Computer Inc» корпорацияси жуда яхши шерик сифатида чиқмоқда.

Ўзбекистон ва жаҳон ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛЛАРИ

Ҳа, ушбу корпорацияни республика-мизда яхши билишади. Зеро, Ўзбекистонда «Макинтош» тизимидан тижорат тузилма-лари билан бир қаторда бир қатор давлат муассасалари, вазирликлар ҳам фойдала-нишмоқда.


Энди икки оғиз сўз шу корпорация тўғ-рисида. Юқори малакали технологиялар соҳасида доимий янгиланларнинг ярату-вчиси бўлмиш ушбу корпорация ҳозир 120 та мамлакатда ўз фаолиятини ривожлан-тирмоқда. Унинг миқозларининг сони эса 40 миллиондан ошди. Янги кириб келган 1996 йилда эса қураи замин бўйлаб кор-порациянинг 27 миллионга компьютерла-ри сотилиши мўлжалланмоқда. Корхона ҳо-зирнинг ўзидаёқ шахсий компьютерлар со-тиш бўйича Америкада биринчи, жаҳонда иккинчи ўринни банд этиб турибди.

ABSYS компанияси корпорациянинг Мар-казий Осиё республикаларидаги расмий дистрибутори ҳисобланади. Яқинда ушбу компания томонидан АҚШнинг Ўзбекистон-даги элчихонаси тижорат департаменти иштирокида «Давлат муассасалари ва йи-рик корхоналарда корпорация юқори тех-нологияларининг қўлланилиши» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар чоғида корпорация менежери жаноб Майкл Байер шунини алоҳида таъкид-ладики, фирма ташкил топган пайтдан бошлабқ одатий мушоада юритиш ва иш, ўқш ва муомала услубларини юксак тех-нологиялар воситасида тубдан ўзгартириш мақсадини ўз олдига қўйган. Бинобарин, корпорация ҳар йили 550 миллион АҚШ доллари атрофидаги маблағни тadbқот

Ойдин ҲАКИМОВА.

Мехнатинг—зийнатинг ҚИРҚ ХУНАР ЭГАСИ



Собир Раҳимов туманидаги Себзор даҳасида эл олқишига сазовор бўлиб яшаётган табарруқ кишилар кўп. Саҳий қалб эгаси, савоб ишга бел боғлаган, меҳри дарё инсон. Асқар ака Аҳмедов шундай инсонлардан биридир. Узоқ йил-лар Тошкент авиация ишлаб чиқариш библиомасида ишлаган бу инсон қирқ хунар эгаси. У аввало электр ёритувчи, пайвандчи, дурадгор, ҳайдовчи, соҳиб-кор, ташкилотчи, ёшлар мураббийси си-фатида танилган.

Айниқса, қиш пайтлари Асқар ака себзорликлар жонига оро кириб, қан-чадан-қанча мушкулларини осон қилади. Тўқсон ёшли Нарзулла бобо Абдуллаев дил сўзларини шундай ифодалайди:

— Яқинда ярим кечада водопровод қувури ёрилиб, уйимиз сувга тўла бош-лади. Жонсарқ қўшиллар олдида хи-жолатдан нима қилишни билмаيمиз. Шунда кимдир Асқар устага қўнғироқ қилиб ахволни маълум қилди. К ў п ўтмай ҳожатбарор уста етиб келди. У қоронғу ерўлада зах кечиб, машаққат ила сувни тўхтатди. Эртаси куни ёрил-ган қувурни пайвандлаб мушкулимизни осон этди.

— Асқар ака ҳамини савоб ишларни қилиб юрадиган инсон, — сўхбатга қў-шилди маҳалла фаоли Бахромова Ино-мовов. — Қўтилмаганда уйингизда чи-рок ўчиб қолса, дарров ҳожатбарор бир зумда гушангизни нурафшон қилади. Ёки эшигингиз очилмай қолса Асқар ака бунинг ҳам иложини топади. Узингиз уйланг, йигирма йилдан буён шу даҳа-

да истикомат қилаётган бу ҳожатбарор инсон қанчадан-қанча одамларнинг мушкулларини осон қилди, қанча савобга шерик бўлди.

Одамлар билан фикрлашиш жараё-нида Асқар ака савоатпешалиги, меҳ-натсеварлиги билан маҳалладошлари-нинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор эканлигини чуқур ҳис қилди. Муаллим-лар устози Ҳошимжон Ҳошимов, шифо-кор Ҳикматилла Эрматов, қўлобали она Рухия Эшонхўжаева, маҳалла фаолла-

САМАРАНЧ ҲАМШАҲРИМИЗНИ МУКОФОТЛАДИ

Дорбоз Тошкентбоялар су-лоласининг вакили Тоҳир Тош-кентбоз номинга узоқ Швейц-ариядан махсус Олимпия меда-ли келди. Утган йилнинг сен-тябрь ойида пойтахтимизда катта биринчи Марказий Осиё ўйинлари бутун дунёдан тўп-ланган спорт мутахассислари-да катта қизиқиш уйғотди. Ун-да жумладан, Халқаро Олим-пия Қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам ҳозир бўлган эди. Айниқса, «кичик олимпиада» машалласи-ни тантанали ёқиш маросими жаноб Самаранчга улкан таас-сурот қолдирди. Уни дорбоз Тоҳир Тошкентбоз 60 метрли арқондан юриб бориб ёққан эди. Бунинг қўлдан жаноб Сама-ранч: «Жаҳонда нечта олим-пиадаларнинг очилиш ма-росимида бўлиб, бундай ўзига

хос, гаройиб манзарани учрат-маган эдим», — дея ўз ҳайра-тини изҳор этганди. Шундан сўнг халқаро Олимпия қўми-тининг президенти дорбоз То-ҳир Тошкентбознинг олимпия медали билан мукофотлашга қарор қилгани, Лозаннага қайтган, медали албатта юба-ражагини билдирган эди.

Яқинда ўша медалъ ва Олимпия фахрий дипломи кел-ди. Уни республика Олимпия қўмитасининг президенти Со-биржон Рўзиев жаҳон таниган дорбозга тантанали суратда топширди.

Дарҳақиқат, ушбу мукофот бутун спортимиз, қадриятлари-миз ва миллий ўйинларимизга ҳам дунё миқёсида берилган муносиб баҳо дейиш мумкин.

Бобур ҲУСАНОВ.

БҲУНГИ КУН «То» «То» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Буюк Британия ташқи ишлар ва Ҳамдўст-лик ишлари вазирлиги Мэлкольм Рифкинд билан уч-рашди. М. Рифкинд шунингдек гидрометеорология бош бошқармасига ҳам ташриф буюрди.

«Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Ўз-бекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди.

«Андижонпиво» ҳиссасдорлик жамияти «Пенсу» деб номланган салқин ичимлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Фанта»дан қолишмайдиган «Пенсу» салқин ичимлигини 2 минг декалитри кичик шиша идишларга қўйилиб савдо шохобчаларига чиқарил-ди.

Навоий шаҳрида меҳр-шафқат уйи очилди.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафтанома-си 40 ёшга тўлди.

Турақўргон туманидаги «Наманганқишлоқмаш» ҳиссасдорлик жамияти жамоаси қишлоқ ҳўжалик те-хникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга қў-ниққан бўлсалар-да тadbбиркорлик асосида иш ту-тиб, термослар тайёрлашни йўлга қўйди.

Нукусда Ўзбекистон ва Қорақалпоқистон халқ шоири Тилеуберген Жумамуротовнинг 80 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Бухорода бўлиб ўтган Бухоро шаҳри ва туман-лари ҳўқимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда Бухоронинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик қўриш ва уни байрам қилиш би-лан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ҲАМДУСТИКДА

Россия Президенти Борис Ельциннинг Фармо-нига қўра ташқи ишлар вазирлиги Андрей Козирев Дав-лат думасида депутат этиб сайланганлиги муноса-бати билан ўз илтимосига қўра эгаллаб турган ла-возимидан озод қилинди.

Эртага Москвада Тоғли Қорабоғ бўйича ар-ман-озарбайжон музокараларининг навбатдаги бос-қичи бошланади.

Грузия ташқи ишлар вазирининг Бокуга қилган амалий ташрифи пайтида Озарбайжон нефтини Груз-ия ҳудуди орқали олиб ўтиш масалалари муҳокама этилди.

Тожикистон ва Югославия иттифоқи ҳукуматла-ри ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида-ги битим имзоланди.

Дастлабки маълумотларга қараганда 1995 йи-ли Россия Федерациясининг Давлат жамғармасига 147,7 тонна олтин келиб тушган. Бу 1994 йилги кўр-саткичдан 4,2 фоиз кам демекдир.

Қурилл орollarининг жануби-шарқий томони-да Рихтер ўлچови бўйича 5 ва 6 балл кучга эга бўл-ган ер силқинишлари бўлди.

ХОРИЖДА

Япония Бош вазири Т. Мураяма истеъфога чиқ-ди. 11 январь куни мамлакат парламентининг нав-батдан ташқари очилмаган сессиясида унинг вори-си сайланиши керак.

АҚШ Президенти Билл Клинтон яқин кўнлар ичида Боснияга ташриф буюради. Оқ уйнинг мат-буот котиби Майкл Маккэри ана шу ҳақда хабар берди.

Гаитидан Америка қўшинларини босқичма-бос-қич олиб чиқиш бошланди.

Колумбия тоғларида юз берган авиация ҳало-кати оқибатида 163 киши ҳалок бўлди. Экипаж сар-бонининг қонида аниқланган алкоғоль ҳалокатга са-баб бўлган деган ҳулосага келинди.

Руминия контрразведкасининг раҳбари Бергил Магурияну Чаушеску сиёсий полициясининг аъзоси бўлганлигини очик тан олди. Магурияну эр-хотин Чау-шескуларни қатл қилиш чоғида ҳам қатнашган эди.

Хитойнинг Гуандун вилоятидаги Шэн-чжэн мах-сус иқтисодий ҳудудидида Хитой-Тайван фирмаси би-носидида юз берган қучли ёнғин натижасида 19 киши ёнғин қурбони бўлиб, 37 киши жароҳатланди.

Европа иттифокнинг туризм бўйича бюроси-нинг икки юксак лавозимли амалдори порага соти-лаётган пайтдаги айбон билан ҳибсга олинди.

Янги йилнинг биринчи кўнларида Мароқашда ёлган жалалар мамлакатнинг кўпгина ҳудудларида транспорт қатновини тўхтатиб қўйди, бир қатор қишлоқлар жиддий зарарланди, уйлар бузилди.

БУЮРТМА АСОСИДА

асосида Туркменистон қишлоқ ҳўжалик ҳодимлари учун жамоа махсус буюртма асосида 600 дона қишлоқ ҳўжалик машина-лари ва унга қўшимча эҳтиёт қи-

смлари етказиб бериш шарт-номасини имзолади. Буюртма 1996 йилнинг 25 февралига бажарилиши ҳақида келишиб олинди. Бундай шартноманинг имзоланиши албатта корхона ишчилари учун яна бир ишо-нчи қафолдир.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Спорт

НАВБАТ — ҚИШКИ ЎЙИНЛАРГА

Хитойнинг Харбин шаҳрида 4-12 февраль кўнлари бўлиб ўтадиган 3-киши Осиё ўйин-лари қатнашиш учун сараланган республи-камиз спорт делегациясини қизгин ҳозирлик қўр-моқда. Чанги, фристайл ва бошқа қишки спорт турлари бўйича мусобақалашувчи 21 нафар спортчиларимизнинг орасида республикамиз-нинг биринчи Олимпия чемпиони Лина Черя-зова ҳам бор.

Спорт делегациямиз таркиби эса тахминан 45 кишидан иборат бўлади. Делегацияни спорт кийимлари ва бошқа зарур анжомлар би-

лан таъминлашни Италиянинг «Навигаре» фир-маси ўз зиммасига олди. Бошқа харажат ва ташкилий масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Шуниси эътиборлики, спортчиларимиз илк бор бундай мусобақада қатнашмоқдалар. Шу-нинг учун ҳам улардаги маъсулият ҳар қачон-гидан юқори бўлиши табиийдир. Чўнки, кейин-ги йўлнинг салмоғи биринчи қўйилган қадми-нинг муваффақиятига қўп жиҳатдан боғлиқдир. Спорт делегациямиз 25 январда Хитойга жўнаб кетади.

Бехозод ЭҒАМОВ.





